

Музаффар Камиллов президент маслаҳатчиси лавозимига тайинланди



11:31 / 02.02.2022 1528

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раисининг биринчи ўринбосари Камиллов Музаффар Муротович Президентнинг жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинланди. Бу ҳақда давлат раҳбари матбуот котиби Шерзод Асадов хабар берди

У Ўзбекистон халқаро ислом академияси ректори бўлиб қолади.

Президент маслаҳатчиси лавозимини эгаллаб келган Шоазим Шоисламович Миноваров Ўзбекистондаги Ислום цивилизацияси маркази раҳбари сифатида фаолиятини давом эттиради.

Манба: Президент матбуот хизмати